

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

О.Алиев	
Ахборот хавфсизлигига доир тушунчалар тавсифи	190
К.Пулатов	
Совет даврида Ўзбекистонда тарғиботнинг ривожланишида даврий матбуотнинг ўрни(1953-1956 йиллар)	193
С.Назарова	
Ўзбек санъатини забт этган Қўқон булбули	197
Д.Тошпулатова	
Муаллиф онги ва тафаккурида буюк қадриятларнинг акс этиши	201
И.Жўраев, Ҳ.Жўраев	
Навоний ижодида маънавий-маиший таназзул ва ижтимоий инқироз ифодаси	204
А.Акбаров	
Абадиятга дахлдор можаро	207
Н.Соатова	
Бадиий тасвирда адибнинг эстетик қарашлари	210
Н.Холматова	
Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашларининг шаклланиши	214
Д.Юлдашева	
“Алла” матни лингвофольклористиканинг ўрганиш объекти сифатида	218
Ш.Кахарова	
Ўзбек ва инглиз педагоглари мулоқот хулқида қўлланиладиган мурожаат шаклларининг қиёсий тадқиқи.....	220
Ш.Мўминов	
Янги ўзбекистонда раҳбарлик ва унга ёндош тушунчалар семантикасига доир	223
Н.Юлдошева	
Содда гап қолиплари воқеланишига таъсир қилувчи морфологик омиллар ҳақида.....	226
М.Хошимов	
Тилда «субъектив – модал баҳо» микроконцептини воқелантирувчи кириш гапли қўшма гапларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари	228
М.Хусайнова	
Касб-хунарга оид латифаларнинг прагматик хусусиятлари	236
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Илмга бахшида умр	239
Библиография	242

УДК: 327.0

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА ДОИР ТУШУНЧАЛАР ТАВСИФИ

ХАРАКТЕРИСТИКА ПОНЯТИЙ, ОТНОСЯЩИХСЯ К ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

DESCRIPTION OF INFORMATION SECURITY CONCEPTS

Алиев Олим Айбекович¹¹Алиев Олим Айбекович

– Андижон давлат университети таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада ахборот хавфсизлиги тушунчаси, унинг давлат ва халқаро миқёсдаги аҳамияти, ушбу соҳага оид атамалар изоҳи берилган.

Аннотация

В статье даётся толкование терминов, относящихся к понятию “информационная безопасность”, его значение в государственном и международном масштабах.

Annotation

The article explains the concept of information security, its importance at the national and international levels, terms in this area.

Таянч сўз ва иборалар: ахборот, ахборот хавфсизлиги, ахборий муҳит, шахс, жамият, давлат

Ключевые слова и выражения: информация, информационная безопасность, информационная среда, личность, общество, государство.

Key words and expressions: information, information security, information environment, person, society, state.

Ҳозирги даврга келиб ахборот хавфсизлиги ҳар қандай давлат, жамият ва халқаро сиёсий майдонда инсон ва жамият барқарорлигини сақлашнинг энг асосий омили сифатида намоён бўлмоқда. Чунки мутафаккирлар “ахборот дунёни бошқаради” деганида қандайдир ҳақиқат бордек кўринади. Шунингдек, турли ахборот хуружлари инсон кайфияти, психикаси ва турмуш тарзига ҳам салбий таъсир қилиш манбаига айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Ахборот хавфсизлиги масаласи ва муаммолари таҳликали тарзда ўзини намоён қила бошлаганидан кейин унга доир тушунчалар ҳам вужудга келди. Албатта, улар мазмунан бир-бирларига яқин бўлса-да, турли-туман шаклларда шаклланди. Лекин илмий тадқиқотларда аксарият олимлар ахборот хавфсизлиги категорияларини халқаро стандартлар ёки айрим олинган давлатлар қонунчилигида ифодаланган шаклларида фойдаланмоқда. Шунинг учун ҳам давлат ахборот хавфсизлиги сиёсатида оид категорияларни илмий таҳлил этиш, уларни бир-бирлари билан қиёсий ўрганиш долзарб масалага айланди.

БМТнинг халқаро ахборот хавфсизликка оид тушунчаси – бу “таҳдидлар триадаси” деб аталадиган – террорчилик, жиноий ва ҳарбий-сиёсий (ҳарбий-сиёсий таҳдид деганда ахборот урушлари ва ахборотлар ўзаро кураши тушунилади) кабилардан глобал ахборот

тизимларининг ҳимояланганлиги англанади. Шу билан бирга, баъзи мамлакатларда (жумладан, Россияда) турли давлатларнинг манфаатлари тўқнашувлари соҳасини ҳам халқаро ахборот хавфсизлиги тушунчасининг бир қисми деб ҳисоблайди. Ғарб давлатлари ва АҚШ бу масалага Россиядан фарқли ўлароқ тор ёндашув билан қарайди, яъни техникавий жиҳатлар билан чекланиб, асосан, “кибер-хавфсизлик” иборасини қўллайди.

АҚШ ва ЕИ кибер хавфсизликка нисбатан энг асосий таҳдидлар сифатида кибертерроризм ва кибер жиноятчиликни кўрсатиб, кибер кенгликдаги давлатлараро ўзаро курашларни халқаро гуманитар ҳуқуқ доирасида мувофиқлаштиришни тавсия қилади [1. 256].

БМТнинг 2011 йил 22 сентябрда қабул қилган “Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш конвенциясининг (концепция) 2-моддасида “ахборот хавфсизлиги”ни “шахс, жамият ва давлат манфаатларини ахборот кенглигида деструктив таҳдидлар ва бошқа нохуш таъсирлардан ҳимояланганлик ҳолати” деб таърифлайди [2. 49].

Аксарият олимлар талқинларида “ахборий хавфсизлик” ва “ахборот хавфсизлиги” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини исботлашга уринади. “Ахборий” сўзи “ахборий хавфсизлик” тушунчаси ҳимоя объектига зиён етказиши мумкин бўлган фаолият йўналишини кўрсатади. Бу ҳолатда “ахборий хавфсизлик” тушунчаси муайян объектнинг ахборот

таҳдидларидан ҳимояланганлик ҳолатини белгилаб беради. Бунда ҳимоя объекти сифатида нафақат ахборот, балки инсон ҳам иштирок этади.

Баъзи адабиётларда “ахборий хавфсизлик” деганда, ахборот муносабатлари субъектларининг ахборий эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи ахборот муҳитининг ҳолати, ахборий хавфсизлик ва ахборот муносабатлари субъектларини нохуш ахборот таъсирларидан ҳимоялаш тушунилади [3. 20-21]. Бунда “ахборий муҳит” деганда субъектлар фаолияти соҳасининг ахборотларни яратиш, қайта ишлаб чиқиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ жиҳатларини англатади.

Шу тариқа, “ахборий хавфсизлик” анча кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига ахборот хавфсизлигидан ташқари яна ахборотлар муносабатлари субъектларини нохуш ахборот таъсирларидан ҳимоялашни ҳам олади. “Ахборий хавфсизлик” иборасини матндан узиб олган ҳолда инглиз тилига таржима қилинганда худди “ахборот хавфсизлиги” каби “information security” шаклидаги инглизча ибора пайдо бўлади.

Халқаро ташкилотлар ҳужжатларига мувофиқ ахборот хавфсизлиги ахборот майдонида шахс, жамият ва давлатга нисбатан уюштирилган ёки табиий равишда пайдо бўлган ахборот ва коммуникациявий оқимлар таҳдидларининг алоҳида турлари ҳар томонлама ва ишончли тарзда ҳимояланган жамиятнинг ҳолатидир.

Халқаро ахборот хавфсизлиги БМТ томонидан “ахборот майдонидаги жаҳон ҳамжамияти ва давлатлар хавфсизлигига таҳдидлар уюштириш ва дунё барқарорлигини бузиш истисно бўлган халқаро муносабатларнинг ҳолатидир” [4. 315] дея белгиланган. Халқаро ахборот хавфсизлигига доир илмий тадқиқотлардаги ўзаро баҳслар натижасида ахборот хавфсизлигига нисбатан икки хил талқинлар шаклланди.

Халқаро миқёсда тадқиқот олиб бораётган олимлардан Р.Хандли ва Р.Андерсон ўз тадқиқотларида АҚШ ахборот инфратузилмаларига таҳдидларга боғлиқ ҳолда ахборот хавфсизлиги муаммоларининг ечимларини топиш жараёнларида компьютер, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги ахборотларни ҳимоя қилишнинг технологик жиҳатларини ахборот хавфсизлиги сифатида илгари сурди [5. 336]. Иккинчи талқин асосчилари Ж.Най ва У.Оуэнс каби олимлар эса авж олиб бораётган ахборотлашиш жараёнларини сиёсий ва мафкуравий ҳодисалар билан боғлаб, ўз назарий тадқиқотларини эълон

қилди. Уларнинг қарашича, ахборот стратегияси – бу ўз таъсирини хорижий мамлакатлар раҳбарияти ва аҳолисига америка идеалларини тарқатиш мақсадидаги “юмшоқ куч”ни ифодалашдан иборатдир [6. 52].

Ҳозирги даврга келиб ахборот хавфсизлиги тушунчаси анча торайтирилиб, фақат унинг техникавий-технологик кесимда ифодалаш ҳам русумга кирди. Масалан, “Ахборот жамияти глоссарийси”да “**ахборот хавфсизлиги**” (Information security) тушунчаси куйидаги талқинда муомалага кирди:

-ахборотларни эҳтимолда юз берадиган, уларнинг конфиденциаллиги, бир бутунлиги, уларга киришга қулайлиги ёки атайлаб бузиб кўрсатилиши каби таҳдидлардан ҳимояланганлик;

-ахборотнинг атайлаб ёки тасодифан конфиденциаллиги, бир бутунлиги, уларга киришга қулайлиги ёки атайлаб бузиб кўрсатилишини олдини олишни таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва технологик чоралар кўриш тизими, усуллари ва воситалар.

Албатта, бунда кенг маънога эга бўлган “ахборий хавфсизлик” тушунчаси “ахборот хавфсизлиги” тарзида таърифланмоқда [7. 48].

Сиёсий ва ахборот хавфсизлиги ўзаро алоқаларини дастлаб 2015 йилда таниқли олим М.М.Кучерявий ўзининг “Миллий хавфсизликни модернизациялашни тушунишга доир” мақоласида таҳлил этган эди. У мазкур мақолада ахборий-сиёсий хавфсизлик, ахборий-сиёсий барқарорлик, ахборий-сиёсий инқироз, ахборий-сиёсий қарама-қарши курашлари ва бошқа тушунчаларни илмий муомалага киритди [8. 19-32].

М.М.Кучерявий ахборий-сиёсий хавфсизликни “глобал ахборот майдонида интернет тармоқлари, ОАВ ва бошқа коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолдаги таҳдидлар шароитида мамлакатнинг ахборот суверенитетини ҳимояланганлигида” деб талқин этади.

Россия Федерацияси миллий стандартида “ахборот (маълумотлар) хавфсизлиги – ахборот (маълумотларнинг) конфиденциаллиги, очиқлиги ва яхлитлиги таъминланган ҳолдаги ҳимояланганлик ҳолати” [9. 36], деб таърифланган.

Шу тариқа, **ахборот хавфсизлиги** деганда ахборотларнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлиги, ахборотларни чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқолиши, рухсатсиз йўқ қилиш, бузиб кўрсатиш, сохталаштириш, рухсатсиз нусха олиш, блоклаб қўйиш; ахборот олиш ва уни фош қилишга ҳуқуқи бўлмаган шахснинг тасодифий тарзда ёки қасддан

ахборотга таъсир қилиши ёки танишиши кабилар тушунилади.

Умуман олганда, олимлар ахборий-сиёсий хавфсизлик деганда фуқаролар, давлат ва жамиятнинг муҳим ҳаётий манфаатларини сиёсий соҳада ички ва ташқи ахборот таҳдидларидан ҳимоя қилиш билан боғлиқ комплекс муаммолар тушунилади.

Ахборот хавфсизлигини қуйидагича таърифлаш мумкин: бу социум ҳолати бўлиб, бунда давлат, жамият ва шахсга нисбатан ахборот маконидаги тартибли ва стихияли равишда вужудга келадиган ахборот оқимлари орқали бўладиган таҳдиддир. Ахборот хавфсизлиги деганда - шахс, жамият ва давлат ҳаётий муҳим манфаатларининг ахборот уруши, интервенция ҳамда дезинформация тазйиқларидан ҳимояланганлиги тушунилади. Ахборот хавфсизлигининг моҳияти давлатнинг ахборот ресурсларини сақлаш, ахборот соҳасида шахс ва жамиятнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялашдан иборатдир.

Ахборот хавфсизлигига таҳдид деганда эса, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари йиғиндиси сифатида миллий манфаатларни амалга оширишга тўсиқ бўлаётган, шунингдек, жамият ахборот муҳитининг фаолиятига, сақланишига ва тараққиётига зарар етказишга бевосита имкон яратувчи омил ёки омиллар мажмуи тушунилади [10. 67]. Унинг қуйидаги турлари мавжуд:

Ахборот - ахборот алмашув регламентининг бузилиши (ахборотни ноқонуний тўплаш ва ундан фойдаланиш; ахборотни атайлаб нотўғри тарқатиш; ахборотни ноқонуний равишда ахборот тизимидан кўчириш; ахборотни ўғирлаш).

Математик - дастурий: вирус дастурларини қўллаш; ахборот тизимидан маълумотни йўқотиш ва модификация қилиш.

Жисмоний: ахборот ва алоқаларни қайта ишлаш воситаларини йўқотиш ҳамда ахборот технологияларини издан чиқариш; аппарат ва дастур очқич калитларини ўғирлаш; жисмоний, математик-дастурий ва ахборот хавф солиш мақсадида шахсга бўлган тазйиқ.

Радиоэлектрон: ахборот ва маълумотлар тарқатиш тармоқларидан ахборотларни тўхтатиб қолиш; бошқарув тизими ва алоқа тармоқларини радиоэлектрон усул билан издан чиқариш.

Давлат, жамият ва шахс манфаатларини бундай таҳдидлардан ҳимоя қилиш айнан ахборот хавфсизлигини таъминлаш орқали амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, техника ривожланган бугунги таҳликали замонда ахборот хавфсизлиги энг муҳим муаммолардан бўлиб, нафақат миллий давлатлар доирасида, балки халқаро ташкилотлар ўртасида ахборот ҳужумларига нисбатан чидамли бўлган янги ахборотлар технологияларини ривожлантириш, такомиллаштириш зарур.

Адабиётлар:

1. Зиновьева Е.С.Международная информационная безопасность. 20.06.2014 г.// <https://mgimo.ru/about/news/experts/256505/>.
2. Конвенция об обеспечении международной информационной безопасности (концепция) ООН. 22 сентября 2011 г.//https://www.mid.ru/mezdunarodnaa-informacionnaa-bezopasnost/-/asset_publisher/UsCUTiw2pO53/content/id/191666.
3. Алексеенцев А.И. Сущность и соотношение понятий «защита информации» и «безопасность информации» //«Безопасность информационных технологий»,№ 1,1999.//-С.20-21.
4. Доклад Генеральной Ассамблеи ООН A/55/40, 10 июля 2000; A/55/140/Add. 1,3 октября 2000// Информационные вызовы национальной и международной безопасности. – М.,2001. – С. 315. [Doc. UN General Assembly A/55/40, 10 July 2000; A/55/40 / Add. 1, October 3. Informacionnyye vyzovy nacional'noji mezhdunarodnoj bezopasnosti (Information Challenges to National and International Security).-Moscow, 2001.-P. 315.]
5. Қаранг:Hundley, R.; Anderson, R. Security in Cyberspace: An Emerging Challenge for Society, 1994.
6. Қаранг: Nye, J.; Owens, W. America's Information Age:The Nature of Power // *Foreign Affairs*, March-April 1996.
7. Баранов Н. Понятийный аппарат информационной безопасности// <https://nicbar.ru/politology/study/62-informatsionnaya-bezopasnost-v-sovremennom-mire/628-tema-3-ponyatijnyj-apparat-informatsionnoj-bezopasnosti>.
8. Кучерявый М. М. К пониманию политики модернизации национальной безопасности//Управленческое консультирование. 2015.№ 11.-С.19–32. ¹
9. Қаранг:ГОСТ Р 50922-2006. *Национальный стандарт Российской Федерации: Защита информации. Основные термины и определения.*// <https://docs.cntd.ru/document/1200058320>.
10. Туленова Г.Ж. Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари// https://drive.google.com/file/d/0Bxwxnt_0wPHqVzRFY2l0czUzSXc/view?resourcekey=0-02FZLSJK6D1SXAACjN5dqw.